

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 7 декабрь • № 49 (1226)

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

Президента Республики Узбекистан

О МЕРАХ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ СЛУЖБЫ МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

За последние годы в стране предприняты меры по качественному улучшению деятельности судебно-медицинской службы, укреплению материально-технической базы судебно-медицинских учреждений, оснащению их современной диагностической аппаратурой и реагентами, повышению качества проведения судебно-медицинских экспертиз и их достоверности.

Вместе с тем, изучение состояния дел на местах в данной сфере показывает наличие системных проблем и недостатков, препятствующих эффективной деятельности судебно-медицинской службы. В частности:

первое, система управления судебно-медицинской службой не отвечает современным требованиям, что приводит к значительным трудностям в управлении региональными бюро и неравномерному распределению финансовых средств;

второе, отсутствует необходимое оборудование для проведения фундаментальных и

прикладных генно-молекулярных исследований, в том числе для идентификации личности по биологическому материалу;

третье, подразделения судебно-медицинской службы не оснащены специализированным автотранспортом для перевозки тел усопших с мест первичного обнаружения в здания судебно-медицинской службы;

четвертое, низкий уровень научного потенциала судебно-экспертных учреждений препятствует развитию фундаментальных и прикладных научных исследований в сфере судебной экспертизы;

пятое, не на должном уровне осуществляется внедрение в экспертную деятельность инновационных технологий, имеется технологическое отставание в оснащении экспертных лабораторий современным экспертным оборудованием;

шестое, современное состояние проведения судебно-медицинских экспертиз не отвечает международным требованиям стандартизации и менеджмента качества, что не способствует

повышению качества исследований и предупреждению экспертных ошибок.

В целях ускоренного решения имеющихся проблем и недостатков, а также дальнейшего совершенствования деятельности судебно-медицинской службы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан:

1. Указать руководству Министерства здравоохранения на недостаточность контроля со стороны министерства за деятельностью Главного бюро судебно-медицинской экспертизы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и его территориальных подразделений.

2. Принять предложения Министерства здравоохранения Республики Узбекистан о: **преобразовании Главного бюро судебно-медицинской экспертизы в Республиканский научно-практический центр судебно-медицинской экспертизы Министерства**

(Продолжение на 2-й стр.)

ИНСОН

ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Конституциямиз мамлакатимизда демократик давлат, кучли фуқаролик жамият барпо этишнинг асосий ҳуқуқий пойдеворидир. Ингирма олти йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташласак, Бош Қомусимизда кафолатланган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш изчил рўйбга чиқайтганини кўрамиз.



Маълумки, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари қўйиладиган ҳар бир қадам, энг аввало, жамият фуқароларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда маданиятини ошириш баробарида уларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлашни тақозо этади. Бу деярли барча давлатларда ўша давлат фуқароларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти ва онги, сайловлардаги иштироки қай даражада таъминланганлиги билан баҳоланади. Қолаверса, фуқароларнинг сайловлардаги иштирокига оид муносабатлар, бошқача айтганда бу каби мезонлар демократик ҳуқуқий давлатга бериладиган энг муҳим баҳолардан биридир.

(Давоми 3-бетда).

Тажриба, маҳорат ва амалиёт

ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида жаҳоннинг етакчи клиникаларининг профессор-олимлари иштирокида мунтазам маҳорат дарслари ўтказиб келинмоқда.



Яқинда И. Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети торакал хирургия ва фтизиопульмонология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дмитрий Гиллер иштирокида марказ ходимлари, вилоятлардаги Сил касалликлари диспансерлари мутахассислари учун торакал хирургия бўйича маҳорат дарси бўлиб ўтди. Шу билан бирга, юқори технологик жарроҳлик амалиёти ҳам муваффақиятли бажарилди.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида марказда 10 та бригада ташкиллаштирилди. 9 таси фтизиатрия, 1 таси пульмонология йўналишлари бўйича иш олиб бормоқда. Яъни, етук мутахассислар, доцент, профессорлар чекка-чекка ҳудудларга бориб, аҳолига ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Ушбу чиқишлар 2017 йилда 374 та бўлса, 2018 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 478 тани ташкил қилди. Бунинг баробарида, ўтган йили 94 та операция ўтказилган бўлса, жорий йилнинг 10 ойи давомида 142 та жарроҳлик амалиёти амалга оширилди. Натижада аҳолининг пойтахтга келиб овворагарчилик ҳолатлари камайишига эришилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
Президента Республики УзбекистанО МЕРАХ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ СЛУЖБЫ МИНИСТЕРСТВА
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

здравоохранения Республики Узбекистан (далее Центр); образовании Ташкентского городского филиала Центра за счет оптимизации действующей штатной численности Центра в пределах выделяемых бюджетных средств на его содержание.

3. Определить основными направлениями реформирования судебно-медицинской службы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан: оснащение Центра и его региональных филиалов современным медицинским оборудованием и расходными материалами, а также проведение строительно-ремонтных работ региональных филиалов;

внедрение результатов научных исследований в судебно-экспертную деятельность, совершенствование методики проведения судебных экспертиз, укрепление кадрового потенциала судебно-экспертных учреждений;

оказание методического содействия в организации научно-образовательной деятельности других учреждений по подготовке, переподготовке и повышению квалификации кадров;

ускоренное внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в деятельность судебно-медицинской экспертизы;

создание благоприятных условий для улучшения материального стимулирования работников сферы.

4. Определить, что: Центр является юридическим лицом со статусом государственного учреждения, имеет печать со своим наименованием и изображением Государственного герба Республики Узбекистан;

бюро судебно-медицинской экспертизы Республики Каракалпакстан, областей и г. Ташкента являются региональными филиалами Центра и в своей деятельности подчиняются Центру;

Центр возглавляет директор, назначаемый на должность

и освобождаемый от должности министром здравоохранения Республики Узбекистан;

начальники региональных филиалов Центра назначаются на должность и освобождаются от должности министром здравоохранения Республики Узбекистан по представлению директора Центра;

источниками финансирования деятельности Центра и его региональных филиалов являются ежегодные ассигнования Государственного бюджета, выделяемые по отрасли "Здравоохранение", поступления от оказания юридическим и физическим лицам платных услуг, а также иные источники, не запрещенные законодательством.

5. Одобрить предложения Министерства здравоохранения Республики Узбекистан о:

предоставлении Центру и его региональным филиалам права оказания платных услуг по перечню и расценкам, утверждаемым директором Центра по согласованию с Министерством здравоохранения Республики Узбекистан;

предоставлении Центру права направлять до 50 процентов средств, поступающих от оказания платных услуг, в Фонд материального стимулирования и развития медицинских организаций, для финансирования мероприятий по социальной защите и материальному стимулированию сотрудников Центра;

передаче функций по транспортировке тел усопших от службы скорой медицинской помощи города Ташкента и региональных филиалов Республиканского научного центра экстренной медицинской помощи в Центр и его региональные филиалы, со штатными единицами санитаров по транспортировке тел усопших.

6. Министерству строительства и Министерству здравоохранения Республики Узбекистан в двухмесячный срок разработать и утвердить в установленном порядке типовой проект здания региональных филиалов Центра с учетом современных требований организации деятельности службы судебно-медицинской экспертизы.

7. Определить заказчиками по

строительству зданий региональных филиалов Центра в Андижанской, Джизакской, Навоийской, Самаркандской, Сурхандарьинской и Сырдарьинской областях по типовому проекту, а также реконструкции зданий остальных региональных филиалов Центра соответственно инжиниринговые компании "Служба единого заказчика" при Совете Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятах областей и г. Ташкента.

8. Министерству здравоохранения Республики Узбекистан совместно с хокимиятом г. Ташкента в трехмесячный срок принять меры по открытию и организации деятельности Алмазарского, Сергелийского, Юнсабадского и Яшнабадского межрайонных пунктов судебно-медицинской экспертизы в пределах общей штатной численности Центра и выделяемых бюджетных средств на его содержание.

9. Министерству здравоохранения Республики Узбекистан в установленном порядке:

в месячный срок утвердить устав, положение и структуру Центра, типовую структуру и положение о его региональных филиалах;

в трехмесячный срок разработать и утвердить штатные нормы и утвердить штатные нормы услуги судебно-медицинской экспертизы;

совместно с Государственным комитетом Республики Узбекистан по инвестициям в двухмесячный срок внести предложения по привлечению средств международных финансовых институтов, организаций и зарубежных стран-доноров для оснащения Центра и его региональных филиалов современным оборудованием и инвентарем, в том числе автотранспортом для транспортировки тел усопших, с распределением их согласно приложению № 1;

совместно с Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан и другими заинтересованными министерствами и ведомствами обеспечить внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в Центре и его региональных филиалах, включая оснащение их новей-

шей компьютерной техникой, формирование электронной базы данных в сфере деятельности судебно-медицинской службы, информационной системы электронного документооборота между экспертными учреждениями и судебно-следственными органами, а также обеспечение ее информационной безопасностью;

совместно с Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и г. Ташкента принять дополнительные меры по укреплению кадрового состава Центра, а также его региональных филиалов.

10. Утвердить Программу мер по коренному улучшению материально-технической базы судебно-медицинской службы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан согласно приложению № 2.

Установить, что руководители министерств и ведомств несут персональную ответственность за своевременную, полную и качественную реализацию мероприятий, предусмотренных в Программе мер.

11. Министерству внутренних дел Республики Узбекистан обеспечить ведомственной охраной территорию Центра и его региональных филиалов в соответствии с законодательством.

12. Министерству здравоохранения Республики Узбекистан обеспечить подготовку, переподготовку и повышение квалификации специалистов Центра и его региональных филиалов в ведущих профильных зарубежных центрах и учреждениях, а также организацию семинаров-тренингов и мастер-классов с привлечением ведущих иностранных специалистов.

13. Министерству финансов Республики Узбекистан ежегодно предусматривать необходимые средства на реализацию мероприятий, утвержденных настоящим постановлением, в пределах бюджетных ассигнований, предусматриваемых в па-

раметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан по отрасли "Здравоохранение".

14. Установить персональную ответственность: заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Абдухакимова А. А. – за действенную координацию работы министерств и ведомств по эффективному и надлежащему выполнению задач, возложенных в соответствии с настоящим постановлением;

министра здравоохранения Республики Узбекистан Шадманова А. К. – за своевременное, полноценное и качественное выполнение всех мероприятий, предусмотренных Программой мер по коренному улучшению материально-технической базы судебно-медицинской службы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

15. Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан установить эффективный надзор за выполнением мероприятий, предусмотренных настоящим постановлением, а также своевременным, рациональным и целевым использованием выделенных средств.

16. Разместить Центр и Ташкентский городской филиал Центра по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, улица Шифокорлар, дом 2 – 7 М.

17. Министерству здравоохранения совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в двухмесячный срок внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложения об изменениях и дополнениях в законодательство, вытекающих из настоящего постановления.

18. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на советника Президента Республики Узбекистан Абдувахинова А. А. и заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Абдухакимова А. А.

Президент Республики
Узбекистан

город Ташкент
4 декабря 2018 г.

Ш. МИРЗИЁЕВ

Жараён

ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Фаргона вилоятида ҳам Конституциямиз қабул қилинганнинг 26 йиллиги арафасида қўлаб маданий-маиший иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, турар жойлар фойдаланишга топширилмоқда.



Фаргона шаҳрида иш бошлаган янги 5-оилавий поликлиника ана шулардан биридир. Мазкур тиббиёт масканини очилиш маросимида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самардорлигини ошириш, шифо масканлари фаолиятини замон талаблари асосида тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Фаргона вилоятидаги 86 та қишлоқ ва 26 та шаҳар оилавий поликлиникасида касалликларнинг олдинчи олиш ва профилактикаси бўйича замонавий тизимни йўлга қўйиш, патронаж ишлари самардорлигини ошириш, 5 та тор ихтисослик бўйича тиббий хизмат турларини кўрсатиш

учун барча шароит яратилмоқда. Хусусан, жорий йилда амбулатор-поликлиника муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 15 та муассасада реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилиб, 21,7 миллиард сўм маблаг сарфланди. Инвестиция дастури асосида бунёд этилган мазкур замонавий оилавий поликлиника ҳам аҳоли учун муносиб тўхфа бўлди.

Тиббиёт муассасаси "Барака фэйз инвест" МЧЖ бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Қурилиш ишлари 4 миллиард сўмдан зиёд маблаг сарфланди. Вилоят ҳокимлиги қўмағида 300 миллион сўмлик мебель жиҳоз-

лари билан таъминланди.

– Худуддаги 53 мингдан зиёд аҳолига 24 нафар малакали шифокор ва 105 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатади, – дейди мазкур оилавий поликлиника мудири Феруза Мадалиева. – Уч қаватли шифо масканда тиббий хизмат ва муолажалар замонавий тиббий ускуналар ёрдамида бажарилади. Муассаса "Электрон поликлиника" автоматлаштирилган ахборот тизими уланган. Бу эса автоматлаштирилган ҳолда рўйхатга олиш, фуқароларнинг ягона электрон тиббий картасини юритиш, он-лайн тарзда шифокор қабулига ёзилиш имконини беради.

У.А.

Фаровонлик асоси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун юртимиз тарихидаги оламшумул воқеадир. Мазкур тарихий ҳужжат дунё сиёсий ҳаритасида янги, мустақил, суверен демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигининг илк бор акс эттирилишига асос солганлиги билан гоёта аҳамиятлидир. Мамлакатимиз Бош қомуси ягона гоё, мантик, ўзақ, йўналиш билан йўрилган гоёт мукамал ҳужжат ҳисобланиб, унда халқимизнинг нафакат бугуни, балки ўзақ истикболдаги тақдирини ҳал этишга қаратилган ҳуқуқий муносабатлар мужасамлашган.

Қолаверса, жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқлари, демократик тамойиллари ва галабаларига таянилганлиги Конституциямизнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Конституцияда муҳрлаб қўйилган тартиб-қоидалар умуминсоний кадриятларни рўйбга чиқаришга ёрдам беришга, фуқароларнинг фаровон ҳаётини, ҳуқуқлари ва эркинликларини қароқотлайдиган, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари

(Давоми. Боши
1-бетда).

роларнинг ҳуқуқлари, жамият ва давлатга зарар етказмайдиган ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган.

Инсон омилига, унинг қадриятига асосий устуворлик берилганлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг чинакам ҳалқчиллигидан, чин маънода демократик тамойилларга асосланганлигидан далолат беради.

Зеро, бу борада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз ижтимоий сиёсатида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Чунки, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва салоҳияти фуқароларнинг жисмоний ҳамда ақлий жиҳатдан соғломлик даражасига бевосита боғлиқ эканлигини бугунги кунда ҳеч қим инкор эта олмайд.

Таъкидлаш муҳими, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб аҳоли, айнаиб, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, замон талабларига мос, етук ҳамда баркамол авлодни парваришлаб вояга етказиш каби масалалар ҳукуматимиз сиёсатидаги устувор йўналишлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият эканлиги

этироф этилганлиги ҳам юртимиздаги барча сайё-ҳаракатлар аҳолининг фаровон, соғлом ҳаёт кечиришини таъминлаш учун ҳизмат қилишини аниқлатади. Зеро, Бош Қомусимизнинг 40-моддасида «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга»лиги қатъий белгиланган. Ундан ташқари, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида ҳам шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар. Давлат ёши, жинси, irqи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг соғлиғи сақлашини таъминлайди.

Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилишини қароқотлайди. Ушбу қоидалар бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар». Албатта, бугунги тараққиётимизга разм соладиган бўлса, соҳада эришилаётган жамики ютуқлар, янгиланиш ва ўзгаришлар миллий қонунчили-

Бош Қомусимизнинг 40-моддасида «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга»лиги қатъий белгиланган. Ундан ташқари, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида ҳам шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар.

гимиз мустаҳкам қарор толганлигидан далолат беради. Чунки, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган бундай кўп қиррали фаолиятлар инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, халқимизни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш кўламини кенгайтириш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Шуни эътироф этиб ўтишимиз кераки, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида қарор

Зеро Президентимиз таъкидлаганларидек: «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси. У ҳеч қимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний қароқотлати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб ҳизмат қилмоқда».

Намоз ТОЛИПОВ.

Таълим ва амалиёт

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ

Маълумки, бугунги давр талаблари кечаги кун мезонларидан фарқ қилади. Ҳозирда замонавий фикрлайдиган, инновацион гоёларга бой, энг сўнги янгилар билан ҳамнафас яшайдиган, ўз дунёқарашини доимий бойитиб борадиган кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ортмоқда. Бу жараёнда, энг катта масъулият олий таълим тизими зиммасига юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 январь кун соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан ўтказилган учрашувда «Соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлиги, шунингдек, мамлакатимизда бу тизимни янада тақомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, замонавий тиббий доволашнинг технология ва усулларини кенг жорий этишга асосий эътибор қаратилиши» ҳақида тўхталиб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академиясида Президент қарорлари ижросини таъминлаш, мамлакатимизда тиббий таълим тизимини энг юқори халқаро амалиёт даражасида бошқариш-боқич шакллантириш мақсадида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор ижросига асосан тиббиёт олий таълим муассасаларида бакалаврият таълим йўналишлари муддати 7 йилдан 6 йил, шундан «Тиббий профилактика» йўналиши 6 йилдан 5 йил қилиб белгиланди. Шунингдек, ўқув режаларидаги ижтимоий-иқтисодий фанлар блокни 23 фойиздан 7 фойизга қисқартирилиб, клиникага ва клиникага оид

фанлар учун соатлар ҳажми 55 фойиздан 85 фойизгача оширилди ҳамда халқаро стандартларга мос янги ўқув режалари ишлаб чиқилди. Ушбу янги ўқув режалари асосида янги фан дастур ва адабиётларни яратилиши, дарс жараёнининг 50 фойиз назарий ва 50 фойиз амалий тарзда олиб борилиши, билимларни баҳолаш 60 фойиз амалиётга ажратилгани ҳам таълим бериш сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ёш тадқиқотчилар, талабалар учун А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, EBSCOhost, Scopus, Web of Science, Springer каби бир қатор республика ва дунёнинг етакчи илмий ахборот базаларидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Академияда талабаларнинг назарий, амалий тайёрлиги, касбий ва ихтисослик фанлари бўйича ўқув машғулоти ҳамда клиник ўқув амалиётини кенгайтириш ҳисобига яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу асосда 80 та Республика, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари, шаҳар ва кишлоқ оилавий ҳамда кўп тармоқли поликлиникалар, кишлоқ врачлик пунктлари, Давлат санитария эпидемиология назорат марказлари, хусусий клиникалар билан шартномалар имзоланди. Талабалар учун амалий дарсларни бевосита ушбу базаларда ташкил этишга имконият яратилди. Шунингдек, мазкур олий таълим муассасасида илмий

салоҳиятнинг мустаҳкамлаш ва уни янада ривожлантириш, қолаверса, илм-фан интеграциялашуви кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этишга қаратилган ишлар натижасида профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчи ва талаба-ёшлар томонидан жорий йилнинг ўзида 9 та ихтиро патенти, 348 та халқаро илмий журналларда, шундан 52 та импакт фактори юқори бўлган илмий журналларда, 684 та республика илмий журналларида илмий мақолалар чоп этилди. Бундан ташқари, 2018 йилнинг шу даврига 5 та докторлик (DSc) ва 8 та фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ҳимоялар бўлиб ўтди, жорий йилнинг охиригача яна 2 та фан доктори ва 6 та фалсафа доктори учун ҳимоялар режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, академия ёш олимлари ўз ихтиролари билан халқаро конгресс, съезд, конференцияларда ҳам иштирок этиб келмоқдалар. Хусусан, жорий йилда профессор-ўқитувчиларнинг 152 нафари Республикада мавжуд тармок марказларида, 120 нафари нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида малакаларини ошириб, таълим сифатини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалар ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-усулвий материалларини кенг жорий қилишга алоҳида эътибор бе-

рилмоқда. Ўқув-педагогик фаолият, мастер-класслар ўтказиш ва малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимлар фаол жалб қилинмоқда. Айтиш кераки, уларнинг базасида тизимли асосда магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг тажриба орттиришлари, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, 2016 йилдан шу йилнинг ҳозирги даврига 500 га яқин Тошкент тиббиёт академияси ходимлари хорижга чиқиш қилишди. 2018 йилни ўзида хорижий тиббиёт олийгоҳлари ва тиббиёт марказлари билан 15 дан ортиқ янги аниқлашнинг меморандумлари имзоланди. Корё Республикасининг Корё Университети билан «Атроф муҳит ва инсон саломатлиги» лойиҳаси доирасида икки томонлама меморандум имзоланиб, 5A510302 «Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги» мутахассислиги бўйича қўшма магистратура йўналиши очилди. Бундан ташқари, АҚШнинг Кентукки университети жамоат соғлиқни сақлаш мактаби профессори Рэймонд Хилл, Россия Федерациясининг И. Сеченов номи Биринчи Москва давлат тибби-

ёт университети профессори В. Решетников ва бошқа хорижий олий таълим муассасалари профессорлари томонидан маҳорат дарслари ўтилди. В. Тамиразов номидаги Қозон инновацион университети томонидан «Соғлиқни сақлашда менежмент» мавзусида профессор-таълим курси ташкил этилди. «Россия-Ўзбекистон таълим форуми» доирасида Тошкент тиббиёт академияси ва Россия Федерациясининг И. Сеченов номи Биринчи Москва давлат тиббиёт университетида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Унга кўра, томонлар янги «Жамоат соғлиқни сақлаш» қўшма магистратура йўналишини ташкил қилиш, битирувчиларга икки томонлама тан олинган диплом бериш, тегишли соҳа йўналишлари бўйича И. Сеченов номи Биринчи Москва давлат тиббиёт университетида клиник ординатурада таҳсил олиш мумкинлигига келишиб олинди. таъкидлаш жоизки, таълим хизматларининг ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган ишлар натижасида 2018-2019 ўқув йили учун қабул қилинган хорижий талабаларнинг сони 60 нафарга етди. 2017 йилда эса бу кўрсаткич 36 нафарни ташкил қилган.

Хулоса қилиб айтганда, биз бугунги кун фаолиятимиз учун республикамиз ва хорижий мамлакатлардаги етакчи тиббиёт олийгоҳлар тажрибасини ўрганиш, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, касбий ва ихтисослик фанлари бўйича ўқув машғулоти ҳамда клиник ўқув амалиётини замонавий инновацион технологиялар асосида ташкил этиш, тиббий кадрлар тайёрлашни юқори даражага олиб чиқишни асосий вазифа сифатида белгилаб олишимиз лозимдир.

Лазиз ТҲҲИЕВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори.

Тажриба, маҳорат ва амалиёт

ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ,
КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Наргиза ПАРПИЕВА,
Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт
маркази директори, профессор:

фақат марказимиз, балки худудлардаги мутахассисларимиз мазкур университетда малакасини ошириб, энг замонавий жаррохлик амалиётларини ўрганиб қайтишмоқда. Ушбу операцияларни мамлакатимиз тиббиёти амалиётга татбиқ этишмоқда. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, муассасамизнинг торакал хирургия бўлими мудири мазкур университетда бир неча ой мобайнида тахсил олиб, кўкрак қафаси соҳасидаги операцияларни шу ернинг ўзида бажармоқда. Бунинг учун муассасада етарли шарт-шароит яратилган бўлиши керак, албатта. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тиббиётга бераётган эътибори натижасида марказимиз моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Яна бир жиҳат, кўлга киритилган грант асосида компьютер томограф, тўртта рақамли рентген, эндоскопик жаррохлик учун қўлланиладиган замонавий ускуналар билан таъминланган. Бундан ташқари, жаҳон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган лаборатория ҳам ташкил этилган. Бугунги кунда вилоятлардаги муассаса, жаррохлик бўлимлари ҳам реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Қабул қилинган мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида марказимизда 10 та бригада ташкиллаштирилди. 9 таси фтизиатрия, 1 таси пульмонология йўналишлари бўйича иш олиб бормоқда. Яъни, етук мутахассис-

лар, доцент, профессорларимиз чекка-чекка худудларга бориб, аҳолига ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Ушбу чиқишлар 2017 йилда 374 та бўлса, 2018 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 478 тани ташкил қилди. Бунинг баробарида, ўтган йили 94 та операция ўтказилган бўлса, жорий йилнинг 10 ойи давомида 142 та жаррохлик амалиёти амалга оширилди. Натижада аҳолининг пойтахтга келиб овворагарчилик ҳолатлари камайишига эришилмоқда. Ўз-ўзини да кўриниб турибдики, бу йил вилоятларда ихтисослашган тиббий хизматни кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратди. Айнан мамлакатимизда силга қарши кураш миллий дастурини амалиётга татбиқ этиб, ижобий натижаларга эришганимиз учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистонни Европа худудидаги мамлакатлар орасида юқори поғонага чиққанимизни алоҳида эътироф этди. Маълумки, мазкур йўналишдаги хасталикка чалинган бемор нафақат диспансер, балки оилавий поликлиникалар умумий амалиёт шифокорларида ҳам алоҳида рўйхатда турилади. Аҳоли орасида силнинг олдини олиш мақсадида силга мойил гуруҳларни йилда бир марта флюорография текширув, диагностикадир ўтказилади. Хўш, сил касаллиги қандай пайдо бўлади, у қимларда кўпроқ учрайди, қандай юқиши мумкин, деган савол туғилади. Сил касаллиги бемор одам ёки қорамол-

дан асосан ҳаво томчи йули билан юқади. Масалан, битта оилада сил таёқча ажратадиган бемор бўлса, оиланинг қолган 5-6 нафар аъзоларига юқмаслиги ҳам мумкин, агар уларнинг иммуннети мустаҳкам бўлса касаллик ривожланмайди. Бунинг учун эса соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, яъни мунтазам спорт билан шуғулланиш, тўғри овқатланиш, ўз вақтида ва меъёрида ухлаш керак. Аммо одамда иккиламчи иммун танқислигига сабаб бўладиган сурункали кечувчи касаллиги бўлса, масалан, қандли диабет, уни силга мойил хавф гуруҳига киритишимиз мумкин. Беморда аниқ белги бўлмастгиси, яъни касаллик яширин кечади. "Туберкулёз"га хос симптомомкомплекс тушунча бор. Яъни, 2-3 ҳафтадан кўпроқ йўтал балғам билан ажратилиши, куннинг иккинчи ярмида тана ҳарорати 37-37,5 даражадан кўтариллиши, ҳаддан зиёд озиб кетиши, кечаси кўп терлаш, иштаха пасайиши кузатилади. Лекин улар бошқа хасталикларнинг ҳам белгиси ҳисобланиши мумкин. Шу боис, кўп факторларни кўриб чиқиш зарур. Афсуски, халқимизда ҳали тиббий саводхонлик юқори даражада, деб айта олмаيمиз. Кўпинча беморлар касаллик ўта авж олганда шифокорга мурожаат қилишади. Туберкулёз на миллат, на чегара билади. Барча одам унга чалиниши мумкин, қачонки улар иммуннети туширадиган факторларга дуч келса. XXI аср бошида бутун дунёда


жумладан, Ўзбекистонда ҳам сил касаллиги энг юқори даражага эпидемиологик кўрсаткичларга кўпайган. Хусусан, ҳар 100000 аҳолига касалланиш кўрсаткичи 79 ва ўлим кўрсаткичи 12,3 ташкил этган. Хозирги кунга келиб бу рақамлар кескин камайди, яъни касалланиш 44,6 ва ўлим кўрсаткичи эса 2,7 гача тушди. Давлатимиз томонидан берилётган эътибор натижасида беморлар барча дори-дармонлар билан таъминланмоқда. Шунга ҳам алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда силни ташхислаш ва даволаш бепул амалга оширилади. Айтиш жоизки, сил бедаво эмас, қачонки ўз вақтида аниқланиб, тўлиқ даволашни борила. Бугунги ўтказилган операциялар мураккаб ҳисобланиб, бири 8 ёшли туғма нуқсонлари мавжуд болада бажарилди. Яъни, кўкрак қафаси ва бўйин соҳасида жаррохлик амалиёти ўтказилди. Бу жуда мураккаб, сабаби бир пайтнинг ўзида икки тана аъзосида амалга оширилмоқда. Навбатдаги 64 ёшли беморда чап ўпканинг пастиги бўлганда сил ҳароатини консерватив усул билан даволаб кўрилганидан сўнг қутилган натижага эришиб бўлмади. Чандиқ қавак пайдо бўлгани учун каминвазиз видеоторакокопик, яъни юқори технологик жаррохлик усулида олиб ташланади. Бу жараёнда вилоятларда фаолият юритаётган торакал жаррохлар ҳам иштирок этгани уларнинг истиқболдаги амалиётида кўп қилишга ишончим комил.



– Мазкур муассасада юқори технологик жаррохлик амалиётлари ўтказиш учун керакли шарт-шароитлар яратилган, – дейди **И. Сенева** номидаги **Биринчи Москва давлат тиббиёт университети торакал хирургия ва фтизиопульмонология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дмитрий Гиллер**. – Мамлакатингиз, хусусан, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази хирурглар жамоасининг билими ва тажрибаси ҳам алоҳида эътирофга муносиб. Бунга бир неча йиллардан буён ҳамкорликда иш олиб боришимиз жараёнида гувоҳ бўлганман. Ушбу муассасада амалга оширилаётган мураккаб, юқори технологик операциялар, нафақат Ўрта Осиё, балки Хитой, Ҳиндистон ва бошқа тиббиёти ривожланган айрим мамлакатларда ҳам қилинмайди. Бугунги жаррохлик ама-

лиёти ҳам жуда муҳим бўлиб, у каминвазиз усулида қилинди. Шу ўринда савол туғилади, операциядан кейин қанча умр кўради? Бир мисол, сил касаллиги бўйича амалга оширилган жаррохлик амалиётидан кейин бир бемор 40 йил мобайнида яшаб келмоқда. У ишлаб, умргузаронлик қилмоқда, бир неча фарзанд кўрди. Бу албатта, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, аввало, ўз саломатлигига ўзи масъул эканини англашига ҳам боғлиқ. Бугунги ўтказилган операцияда вилоятлардан мутахассисларнинг иштирок этиши мени қувонтирди, керак бўлса уларнинг тажрибасини ҳам ўргандим. Шу билан бирга, "Эндоскопик торакал хирургияда инновацион технология" мавзусида маъруза қилиб, амалий машғулотларни ўтказдик. Имзоланган меморандум асосида мамлакатингизнинг кўплаб худудларида бўлиб, маҳорат дарсларини ўтганман. Шунга ҳам қўшимча қилишни истардимки, мафтункор юрт, меҳмондўст халқингиз бор. Ҳар гал келганимда мамлакатингиз жадал ривожланиб бораётгани, ижобий ўзгаришлар юз бераётганининг гувоҳи бўламан.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Мухтасар қилиб айтганда, янги инновацион ғоя ва технологиялар, замонавий усулларни амалиётга татбиқ этиш дунё миқёсида глобал муаммага айланиб улгурган сил касаллигининг олдини олиш, ташхислаш ва даволашда муҳим аҳамият касб этди. Бу борада, кадрларнинг малакаси оширилиб борилиши талаб этилади, албатта. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида ана шу мақсадларга қаратилган саъй-ҳаракатлар эса мунтазам ўтказилиб, кўзланган натижаларга эришилмоқда. Мазкур маҳорат дарси ва мураккаб жаррохлик амалиётлари эса бунга яққол мисолдир.

Жонибек МАЪРУПОВ,
Жасур ЖАЛИЛОВ олган суратлар.

ЭЪЗОЗ, ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Куни кеча Самарқанд шаҳрида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллиги муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Самарқанд вилояти ногирон аёллар уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Тадбирни Самарқанд вилояти ногирон аёллар уюшмасининг раҳбари Гулобод Намозова ва унинг ўринбосари Мавлуда Нажмиддиновалар қириш сўзи билан очиб, иштирокчилар-

ни самимий қутлаб, иккала сана тўғрисида илқ фикрларни билдириб ўтдилар. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга байрам совғалари улашилди. Улар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқимизга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликларидан миннатдор эканликларини эътироф этдилар. Байрамга янада кўтаринки кайфият бағишлаган Самарқанд шаҳар 2-сон маданият ва аҳоли дам олиш марказининг бадиий раҳбари Гулсара Латипова бошчилигидаги санъат аҳли ўзларининг дилрабо қуй ва қўшиқлари билан дилларга завқ бағишлади.

Сўнгра Қўзи ожизлар жамиятидан Абдуҳамид ака, Ногирон аёллар уюшмасига қарашли "Сайқалнома" ансамбли раҳбари Акрамжон Хусенов, Шарифа Яхёева, Мавлуда Хусенова, Бегмурод Хамроев, Амрилло Уриновлар сўз олиб, инсонлар қалбидан чуқур ўрин олган ота-она, Ватан ва меҳр-муҳаббатга йўғрилган қўшиқлари билан барчани хушнуд этдилар.

Ҳа, албатта, бу каби эзгуликларнинг бардавомлиги халқимизга бўлган меҳр-муҳаббатнинг ёрқин ифодасидир.

Шароф МАЪРУПОВ,
Самарқанд шаҳри.

Дикқат!

Ҳурматли муштарийлар!
"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" гетасисининг телеграмм ижтимоий тармоғидаги расмий канали фаолият бошлади. Эндиликда сеvimли нашрингизнинг ҳар бир сонини PDF формат шаклида @uzssgzt манзили орқали кузатиб боришингиз мумкин.

Конгресс

ЭНДОКРИНОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ
ХАЛҚАРО МУТАХАССИСЛУР ЭЪТИБОРИДА

Давлатимиз ҳамда ҳукуматимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган фармон ва қарорлари, хусусан, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисиغا ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиши янада ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги 3071-сонли қарори, 2017 йил 30 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 5216-сонли фармони аҳолига тиббий, жумладан, эндокринологик хизмат кўрсатиш соҳасида кулай шарт-шароитларни яратишда дастуриламал бўлмоқда.**

Академик Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази олимлари ва етакчи мутахассислари томонидан инсон саломатлиги ва ҳаётини ривожига салбий таъсир этувчи бундай касалликларнинг олдини олиш ҳамда беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 20-21 ноябрь кунлари ўтказилган "Ўзбекистон эндокринологияси: ютуқлар ва истиқболлар" мавзусидаги I конгресси ушбу фаолиятларнинг мантиқий давоми, десак муболага бўлмайди.

Мазкур конгресс мамлакатимизда эндокринология соҳасида илк бор уюштирилган йирик анжуман бўлиб, унда 350 нафардан ортиқ эндокрин ва ҳамроҳ хасталик мутахассислари иштирок этди. Эндокрин касалликлари диагностикаси, уларни даволашнинг замонавий усулларини қўллаш, хорижий мамлакатлар тажрибасини республика шифокорлари амалий фаолиятида қўллаши таъминлаш, чет эллик олимлар билан ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган ушбу конгрессда Россия, Германия, Украина, Жанубий Корея ва бошқа чет давлатлардан келган 20 нафардан зиёд мутахассис томонидан илмий маърузалар қилинди.

Анвар АЛИМОВ,
Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори:
– Илм-фан ва тиббиёт амалиётида эришилётган муҳим янгиликларни ҳудудий тиббиёт муассасалари амалиётга жорий этиш ҳам марказимизнинг доимий эътиборида. Шу мақсадда 2018 йил 10 ойи мубайида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари жойларга 276 та чиқибна амалга оширди. Уларнинг ушбу ташрифлари доирасида ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларида ишлайётган умумий амалиёт шифокорлари, лаборатория ходимлари, ҳамшира, эндокринолог ва бошқа тор соҳа мутахассислари учун тренинг, маҳорат дарслари ўтказилди. Мазкур ташрифлар давомида марказ мутахассислари томонидан жами 14 минг 725 нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилди, амбулатор шариотда 12 минг 314 нафар, стационар шариотда эса 2 минг 355 нафар бемор тиббий кўриқдан ўтказилди. Бундан ташқари, 130 нафарга яқин кескалар, ногиронлиги бўлган шахс ва беморлар уй шариотда кўриқдан ўтказилди. Шаҳар ҳамда туманлардаги қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини, таълим муассасаларида 11 минг нафардан зиёд аҳоли иштирокида эндокрин касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича маъруза, семинар ва давра сўбатлари амал-

га оширилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қандли диабет 21 аср эпидемияси, деб эълон қилинган. Экспертларнинг фикрича, 25 йилдан сўнг ер юзидagi ҳар 6 инсон қандли диабет билан касалланиши мумкинлиги кўрсатилган. Айтиш жоизки, диабет – бутун умрлик касаллик бўлиб, жиддий асоратлар билан боғлиқ; кўрлик, сурункали буйрак етишмовчилиги, оёқлардаги жароҳатсиз ампутацияларнинг асосий сабаби бўлади. Қандли диабет беморларда миокард инфаркти ва инсультларни 2-4 маротабага ортиради, 10 дан 8 бемор юрак қон-томир касалликларидан ҳалок бўлади. Шу боис, барча давлатлар жамоатчилиги қандли диабет касаллигини камайтириш, унга эрта ташxis қўйиш, асоратларнинг олдини олиш, ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш учун курашмоқда. Бу борада, албатта, янгича ёндашув, замонавий усулларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, тиббиёт кундан-кунга ривожланиб, инновацион технологиялар амалиётга жорий қилинмоқда. Мен ҳам мазкур конференцияда ўз тажрибам билан ўртоқлашдиш мақсадида мамлакатимиздаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти билан танишдим. У ердаги аҳоли учун яратилган шарт-шароитлар, мутахассисларнинг билим ва тажрибасини ҳам эътироф этмоқчиман. Мазкур конгресс доирасида ташкиллаштирилган семинар-тренингда қандли диабетнинг II турини эрта ташxisлаш ва олдини олиш бўйича маърузалар қилдим. Ушбу маҳорат дарси Ўзбекистондаги ҳамкасбларимиз фаолиятида асқотди, деган умиддаман. Аҳамиятисиз, вилотлардаги шифокорларнинг ташриф буюргани, ҳар бир мавзуга катта қизиқиш билдириши мени қувонтирди. Бу каби ҳамкорликдаги фаолиятимиз бардавом бўлиб, ўзининг ижобий самарасини беришига ишончим комил.

Шу билан бирга, 15 ноябрь кунги ёш эндокринолог мутахассислар иштирокида эндокринология ва биокимё соҳасида эришган ютуқлари учун академик Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида танлов бўлиб ўтган. Унда голибликни қўлга киритган ёш мутахассис ҳам мазкур конгрессда маъруза қилиб, эришаётган муваффақиятлари борасида тўхталиди. Бунинг баробарида, 19 ноябрь кунги Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида хорижий мутахассислар иштирокида "Эндокринологлар мактаби" мавзусида семинарлар ўтказилди.

Адлия ХОЛИҚОВА,
Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази нейроэндокринология бўлими мудири:
– Сўнгги йилларда тиббиётда олиб борилаётган ислохотлар, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасига бераётган эътибори тўғрисида аҳолига кўрсатилаётган ихтисослашган тиббий хизмат самарадорлиги янада яқшиланмоқда. Бунга мисол қилиб айтишимиз мумкинки, республика ми-

Конгресснинг иккинчи куниди эса иштирокчилар турли секцияларга бўлиниб, илмий семинарларда қатнашишди. Яъни, II тур қандли диабет: ўтмишдан келажакка кўприк", "Болалар эндокринологияси", "Эндокринологияда коморбит ҳолатлар", "Тиреоидологияда янги аспектлар", "Гипофиз безининг онкологик касаллик ҳолати ривожланишига сабаб бўлувчи специфик-генетик факторлар", "Қандли диабетнинг оғир асоратлари" мавзусида Постер маърузалари қилинди.

– Барчамизга маълумки, қандли диабет бутун дунёда тиббиёт, хусусан, эндокринологиянинг глобал муаммосига айланиб бормоқда, – дейди Россиянинг "Medical Adviser's Group" компаниясининг тиббиёт маслаҳатчиси **Яков Пахомов.** – Диабет – бутун умрлик касаллик бўлиб, жиддий асоратларга олиб келади. Яъни, кўрлик, сурункали буйрак етишмовчилиги, оёқлардаги жароҳатсиз ампутацияларнинг асосий сабаби бўлади. Шу боис, барча давлатлар жамоатчилиги қандли диабет касаллигини камайтириш, унга эрта ташxis қўйиш, асоратларнинг олдини олиш, ногиронлиги ва ўлим ҳолатларини камайтириш учун курашмоқдалар. Бу борада, албатта, янгича ёндашув, замонавий усулларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, тиббиёт кундан-кунга ривожланиб, инновацион технологиялар амалиётга жорий қилинмоқда. Мен ҳам мазкур конференцияда ўз тажрибам билан ўртоқлашдиш мақсадида мамлакатимиздаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти билан танишдим. У ердаги аҳоли учун яратилган шарт-шароитлар, мутахассисларнинг билим ва тажрибасини ҳам эътироф этмоқчиман. Мазкур конгресс доирасида ташкиллаштирилган семинар-тренингда қандли диабетнинг II турини эрта ташxisлаш ва олдини олиш бўйича маърузалар қилдим. Ушбу маҳорат дарси Ўзбекистондаги ҳамкасбларимиз фаолиятида асқотди, деган умиддаман. Аҳамиятисиз, вилотлардаги шифокорларнинг ташриф буюргани, ҳар бир мавзуга катта қизиқиш билдириши мени қувонтирди. Бу каби ҳамкорликдаги фаолиятимиз бардавом бўлиб, ўзининг ижобий самарасини беришига ишончим комил.

Шу билан бирга, 15 ноябрь кунги ёш эндокринолог мутахассислар иштирокида эндокринология ва биокимё соҳасида эришган ютуқлари учун академик Ё. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида танлов бўлиб ўтган. Унда голибликни қўлга киритган ёш мутахассис ҳам мазкур конгрессда маъруза қилиб, эришаётган муваффақиятлари борасида тўхталиди. Бунинг баробарида, 19 ноябрь кунги Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида хорижий мутахассислар иштирокида "Эндокринологлар мактаби" мавзусида семинарлар ўтказилди.



қёсидаги муассасаларнинг вилотлардаги филиаллари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бу албатта, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимиз учун ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишда катта ёрдам беради. Маълумки, замонавий тиббиётнинг асосий вазифаси бу давлат ва жамиятга катта маънавий ҳамда моддий зарар етказиши мумкин бўлган оғир тиббий-ижтимоий касалликлар асоратларининг олдини олиш ҳисобланади. Шу боис, марказимиз мутахассисларининг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этиш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча йўналишларида фаолият кўрсатётган умумий амалиёт шифокорлари, эндокринологларнинг замонавий ташxisлаш ва даволаш усулларини ўзлаштиришни мукамаллаштириш, олинган билим ва кўникмаларни амалда татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида, шуниингдек, иш фаолиятидаги келишуларга биноан етуқ чет эл мутахассисларини вилотларга чиқариш, маҳорат дарсларини олиб бориш, кўрғазмалли операцияларни ўтказишлари барча вилот мутахассисларини жалб қилган ҳолда видеоселектор тизими орқали амалга оширилмоқда. Менга Қашқадарё вилотида бириктирилган бўлиб, тузилган ишчи гуруҳи билан бирга иш олиб борамиз. Жойларда хирургик гуруҳлар томонидан жарроҳлик амалиётларини ўтказилмоқда. Мазкур тадбир уюшқорлик билан ташкиллаштирилган, бунда республика эндокринологлари ва бирламчи бўғинда фаолият юритаётган тор соҳа мутахассислари, умумий амалиёт шифокорлари жалб қилингани билан ҳам кишининг диққатини тортиди. Конгресс "Ўзбекистонда эндокринологиянинг долзарб муаммолари ва истиқболли" деб бежиз номланмади. Маълумки, дунё миқёсида барча хасталиклар каби эндокринологик касалликларнинг ҳам келажақда ўсиши кутилмоқда. Бу биз мутахассисларнинг энг катта муаммоларимиздан биридир. Шунинг учун, аввало, касалликларнинг олдини олиш, профилактикасини кучайтириш мумкин. Ушбу конгрессда бу борада маърузалар қилинди, илмий-таълимий натижаларни ўртоқлашилди ва халқро тажрибалар ўрганилди.

– Муассасамиз Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисиغا ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида беморлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур таъсия ва даво муолажалари буюрилди. Бунинг баробарида, 22-23 ноябрь кунлари эса Фарғона водийси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилотларида россиялик мутахассислар иштирокида "Эндокринологлар мактаби" мавзусида семинарлар ўтказилди.

Шунингдек, конгресс доирасида, Жанубий Корея мутахассислари томонидан Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида беморлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур таъсия ва даво муолажалари буюрилди. Бунинг баробарида, 22-23 ноябрь кунлари эса Фарғона водийси, Сурхондарё ва Қашқадарё вилотларида россиялик мутахассислар иштирокида "Эндокринологлар мактаби" мавзусида семинарлар ўтказилди.
Жонибек МАЪРУПОВ.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА ТИББИЁТ СОҲАСИДА НИМАЛАРГА ЭРИШИЛДИ?

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 30 ноябрь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида бу ҳақда ҳисобот берди:

Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида бошқарув қонқарсиз аҳволда экани танқид қилинган эди. Шундан келиб чиқиб, етти йилга мўлжалланган соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш концепцияси Хоразм вилояти учун ҳам ишлаб чиқилиб, якунига етказилмоқда. Унга кўра республика миқёсидаги 10 та муассаса раҳбари вилоят муассасаларига раҳбар бўлиб келди, 10 та вилоят муассасаси раҳбарлари туман муассасаларига бошлиқ этиб тайинланди. Чет элдан мутахассисларимиз кайта бошлади, хориждан етакчи мутахассислар келиб кўргазмалар жарроҳлик амалиётлари ўтказиши йўлга қўйилди. Жорий

йилда 27 та врач хорижда малака оширган бўлса, келгуси йилда яна 54 та шифокор юборилади.

Бу борадаги ишлар самарасида 2018 йилда 20 та янги даволаш-диагностика усули амалиётга татбиқ этилди. Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм вилояти филиалида Россиянинг А. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-амалий маркази директори, академики Лео Бокерия иштирокида биринчи мартаба юрак клапанлари, аорта ва шунглаш, вендаш амалиётлари бажарилди. Ҳатто илгари биз тасаввур ҳам қилмаган юракда пластик жарроҳлик амалиётлари ўтказиш ўзлаштирилди. Вилоятда

тиббиёт институтининг клиникаси йўқ эди. Ушбу клиника очилиб, 1,09 миллион доллар маблағга таъмирланиб жиҳозланмоқда.

Соғлиқ сақлаш соҳасида молиялаштириш тизими ёмон ахволда, коррупция юқори бўлиб, маблағларни самарали ишлатиш йўлга қўйилмаганди. Энди бу борада давлат-хусусий шериклик ва кластер тизимида иш олиб бориш ва энг муҳими, соҳага биринчи мартаба маҳаллий бюджетдан ёрдам бериш бошланди. Жорий йилда 2,7 миллиард сўм ёрдам берилди. Президент топшириғига мувофиқ вилоятга ишчи гуруҳ келиб, бино ва иншоотларни рўйхатдан ўтказиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, тиббиёт масканларидаги жиҳозларнинг яроқлилиги ҳолати ўрганилди.

Соҳага 2019 йилда маҳаллий

бюджетдан 45 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган. 2018 йилда 22 та объектада қурилиш ишлари амалга оширилган бўлса, 2019 йилда Инвестиция дастури доирасида 44 объектада бунёдкорлик ишлари бажарилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, келаси йилда 38 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ва вилоят марказидаги 12 объектада таъмирлаш ишларини амалга ошириш зарур.

Жорий йилда вилоятда 110 та ижтимоий дорихона, бориш қийин бўлган жойлар учун 10 та мобиль дорихоналар ташкил қилинди.

Вилоятда 22 та ўрнига 41 та хусусий клиника ташкил этилди. Келгуси йилда яна 38 тасини очиб мўлжалланмоқда, шундан 8 таси хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилади. Касалликлар профилактикаси ва олдини олишга ҳам алоҳида

этибор қаратилмоқда. Бунинг учун биринчи навбатда поликлиникалардаги шароит яхши бўлиши керак. Шу боис, 2019 йилда қурилиш ва маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағларнинг асосий қисми поликлиникаларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига ишлатилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан Қорақалпоғистон Республикасида тиббий патронаж тизими танқид бўлгандан сўнг Хоразм вилоятида ҳам уни тубдан янгилашга киришилди. Урганч шаҳрида туғруқхона йўқ эди. Топшириққа кўра, 10 миллиард сўм сарфлаб янги туғруқхона қуриш ва уни 1 миллион доллар эвазига жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. 2019 йилда ушбу туғруқ мажмуаси қуриб, фойдаланишга топширилади.

ЎЗА.

Юртимиз шифохоналарида

ГИНЕКОЛОГИК ПЛАСТИК ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШДИ

Мамлакатимизда оналик ва балиқни муҳофаза қилиш масаласига давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътибор қаратилади. Шундай экан, бугунги кунда Республика перинатал маркази ва унинг вилоят филиалларида замонавий ёндашувлар асосида иш олиб борилаётган. Жумладан, Қашқадарё вилоят перинатал марказида ҳам ижобий фаолиятлар йўлга қўйилган бўлиб, белгиланган режа асосида ислохотлар амалга оширилмоқда.

Марказимизда биринчи навбатда ҳар бир ходим учун тартиб-интизом, муомала маданияти, ўз ишига масъулият билан ёндашиш, бажарилиши лозим бўлган функционал вазифаларни сифатли бажариш қатъий белгилаб қўйилди. Вилоят бўйича акушерлик ва гинекология хизмати самарадорлигини ошириш юзасидан 3 та катта вазифадан иборат йўл харитаси тузилди ва шу асосида иш ташкил этилди. Шаҳар ва туманларга амалий ҳамда методик ёрдам кўрсатиш мақсадида марказнинг малакали мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди ва улар 2 та шаҳар, 13 та туманга масъул қилиб бириктирилди.

Асосий мақсад жойларда самарали перинатал ёрдам хизматини кўрсатиш, оналар ва гўдаклар ўлими ҳолатларини камайтиришдан иборат. Марказда 2018 йилда жамоа фаолиятида 2017 йилга нисбатан таққослаганда анча яхши ишлар қилинди. Жумладан, туғруқдан кейинги жараёнларда қон кетиш 25 фоиз-

га, чақалоқларнинг травма билан туғилиш ҳолатлари 80 фоизга, оналар ўлими ҳолати ҳам камайганлиги кузатилди. Шунингдек, мутахассислар томонидан гинекологик пластик жарроҳлик амалиётларини амалда қўллаш янада такомиллаштирилди.

2017 йилда 3 нафар мутахассисларимиздан реаниматолог, Чори Холтўраев, неонатолог Ибодат Жўраева, акушер-гинеколог – Гулрух Бердимуродова Россиянинг Кулаков номи перинатал марказида 15 кун давомида малакаларини ошириб қайтди. Республиканинг малакали мутахассислари иштирокида ҳар чоракда "Маҳорат дарс"лари ўтказилиб бориляпти. Мутахассислар ҳамкорлигида миллий стандартларга асосланиб, тиббий ёрдамни тегишли жойда, керакли вақтда самарали кўрсатиш, туғруқ бўлимларидаги санитар меъёрларни тўла ва жиддий бажариш, шошилинч акушерлик ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш ҳамда марказда мутахассислар томонидан ҳар пайшанба куни маҳаллий протоколлар асосида дарс ўти-

лиши йўлга қўйилди. Марказда туман мутахассислари билан узвий боғлиқлик алоқаси – регионализация, вилоят бўйича эътиборга лойиқ турли хил ички аъзо касалликлари мавжуд бўлган ҳомиладор аёлларга, муддатидан олдин туғилган чақалоқларга малакали перинатал ёрдам кўрсатиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Марказнинг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича замонавий компьютерлар, рақамли дигитайзер (рентген учун), кольпоскоп, замонавий УТТ аппарати рангли доплер функцияси билан, неонатал ИВЛ, реанимацион мониторлар, шприцли насослар ва марказий стерилизация ҳамда лаборатория бўлимлари учун керакли аппаратлар олинди. Стандартга жавоб берадиган биохимик анализатор ёрдамида 42 параметрга эга бўлган умумий қон таҳлилининг текширилиши йўлга қўйилди.

Марказнинг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича замонавий компьютерлар, рақамли дигитайзер (рентген учун), кольпоскоп, замонавий УТТ аппарати рангли доплер функцияси билан, чақалоқлар учун кювезлар ва реанимацион столлар иситиш тизими билан, неонатал ИВЛ, реанимацион мониторлар, шприцли насослар ва марказий стерилизация ҳамда лаборатория бўлимлари учун керакли аппаратлар олинди. Стандартга жавоб берадиган биохимик анализатор ёрдамида 42 параметрга эга бўлган умумий қон таҳлилининг текши-

рилиши йўлга қўйилди. Марказда "Тезкор алоқа" тармоғи (1003) ташкил этилди. Бундан куну тун бепул тарзда қизлар ва аёллар саломатлигида учрайдиган масалалар билан боғлиқ бўлган саволларга мутахассислар томонидан жавоб берилди.

Марказнинг ёш, етук мутахассисларини чет давлатларига юбориб, тажриба алмашиши ва касбий маҳоратини оширишга эришамиз. Туманларда фаолият юритаётган акушер-гинекологларнинг ҳар ойда тун нафарини мураккаб жарроҳлик амалиётларини жойларда амалга ошириш учун марказда тайёрлаймиз.

Айтиш муҳимки, халқимизнинг бизга билдирган ишончи олдида биз янада масъулият ва фидойилик билан ишлашга доим ҳаракат қиламиз. Мавлюда НОРКУЛОВА, Қашқадарё вилоят перинатал маркази директори.

Саховат

БУ ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



Андижон шаҳридаги "Саховат" кексалар ва ногиронлар интернат уйида 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан "Ҳеч ким эътибордан четда эмас" номи хайрия тадбири ўтказилди.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар, нуронийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда ҳам муассасада истикомат қилаётган инсонларга совға-саломлар улашилди.

Санъат усталари ва бадийий жамоалар иштирокидаги концерт дастури тадбирга қўтаринки руҳ бағишлади.

ЎЗА.



Сфера здравоохранения

ОТ ДИАГНОСТИКИ ДО ЛЕЧЕНИЯ

В ходе коренного реформирования системы здравоохранения реализуются комплексные меры по улучшению деятельности центральных районных многопрофильных поликлиник, уделяется большое внимание ремонту их зданий, оснащению современным диагностическим и лечебным оборудованием, укомплектованием востребованными специалистами.



— Из года в год увеличивается объем средств, выделяемых из бюджета на развитие медицины, — говорит заместитель главного врача Центральной многопрофильной поликлиники при РМО Яшнабадского района Галина Дурманова. — Это дает новые возможности для дальнейшего повышения эффективности работы по укреплению здоровья населения, формированию физически и духовно развитого поколения.

В настоящее время Центральная многопрофильная поликлиника при РМО Яшнабадского района оказывает услуги 35 тысячам жителей восьми махаллинских сходов. Специалистами лечебного заведения на


местах организована деятельность 15 "Школ здоровья". Благодаря высокому охвату детей вакцинацией наблюдается спокойная эпидемиологическая ситуация.

Внедрение передовых методов лечения и современных систем ИКТ позволило наладить эффективную деятельность регистратуры, отделений женской консультации, медицинской статистики, диагностики и стерилизации. Работают дневной стационар, рассчитанный на 20 коек и аптека.

Поликлиника оснащена рентгенологическим и эндоскопическим оборудованием, сканером ультразвуковой диагностики, электрокардиографом, электроэнцефалографом, реоэнцефалографом и другими прибора-

ми для проведения клинических и биохимических лабораторных анализов.

На сегодняшний день в Центральной многопрофильной поликлинике при РМО Яшнабадского района трудятся 170 врачей и 182 работника среднего звена. Здесь стоит отметить заслуги опытных специалистов Тамары Швыревой, Наргизы Салибоевой, Алишера Абдусаматова и Салтанат Махамеджоновой, проработавших в системе отечественного здравоохранения не один десяток лет. Отрадно отметить, что в кол-



лективе трудятся немало молодых специалистов, возвращающих здоровье людям. Как рассказала нам в проведенной беседе начальник РМО Яшнабадского района Муаттархон Абдуллаева, все это является результатом создаваемых под руководством Президента благо-

приятных условий и возможностей для развития медицины, соответствующей современным стандартам.

По инициативе Министерства здравоохранения Узбекистана по всей стране с 17 сентября по 20 октября текущего года прошел "Месячник здоровой женщины".

В рамках медико-социальной акции более одной тысячи женщин фертильного возраста прошли на базе поликлиники медицинское обследование. По итогам проделанной работы 250 представительницам прекрасного пола даны рекомендации и направления на дальнейшее лечение в стационарных и амбулаторных условиях.

— Искренне благодарна врачам поликлиники за своевременную заботу о молодом поколении, — рассказывает 14-летняя жительница махаллы "Бойкургон" Мехринисо Нахшиева. — В этом мы прежде всего видим проявление нашей веры в завтрашний день, знак огромного, непреложного уважения к нашему народу.

Осуществляемые в системе здравоохранения преобразования служат укреплению здоровья людей и направлены на то, чтобы ни один гражданин страны не остался без внимания и заботы.

Хамидулло УБАЙДУЛЛАЕВ,
Фото автора.

Долзарб мавзу

ОИТС ОИЛАГА ЁКИ ШАХСГА ҚЎЙИЛГАН ТАМҒА ЭМАС

Инсоният келажагига жиддий таҳдид солаётган ОИТС, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Наманган вилоятида олиб борилаётган чоратadbирлар ҳақида вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори Р. Абдуллаев УЗА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Президентимизнинг 2018 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган тегишли дастур ижросини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги фаолиятимизнинг асосий мезонидир.

Вилоят ОИТСга қарши кураш маркази томонидан касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва соҳага дахлдор бошқа кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида 2017-2019 йилларда Наманган вилоятида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашга оид дастур ишлаб чиқилган. Дастурда оналар ва болалар, никоҳланувчи ёшлар, хорижда ишлаб қайт-

ган фуқаролар ва аҳолининг барча қатламлари орасида ОИТС касаллигининг олдини олиш, тиббий қўриқдан ўтказиш, касалликка чалинган беморларни диспансер назоратига олиб, даволаш ишлари кўзда тутилган.

Сир эмас, кейинги вақтда ОИВ билан рўйхатга олинган шахслар орасида меҳнат миграциясидан келганлар кўпчилики ташкил қилмоқда, никоҳдан ўтаётганлар орасида ҳам қайд этилмоқда. Вилоятда ОИВ инфекцияси бўйича бир йилда 160 мингдан зиёд одам текширувдан ўтади. Бу кўрсаткич ўтган йиллардагига қараганда 1,5 марта кўп бўлиб, текширувлар кўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Одамда ОИВ инфекцияси бор-йўқлигини текшириш мамлакатимизда конун орқали белгилаб қўйилган ва ихтиёрий равишда амалга оширилади. Ҳозирги кунда вилоятда ОИВ инфекциясига лаборатория усулида ташхис қўйиш, аҳолини ОИВ-ОИТС касаллигидан муҳофаза қилиш, унга қарши курашиш ва даволаш тadbирлари олиб бориш борасида муайян ўтуқларга эришилмоқда. Шу билан бирга, миллий кадрларимиз ва менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда кенг кўлам-

ли тadbирлар амалга оширилмоқда.

Юқумли касалликлар профилактикаси, шахсий гигиена масалалари тўғрисида ўқув қўлланмалар, услубий таълим материаллари, буклетлар тайёрлаш, ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш тadbирлари белгиланган. Жорий йилнинг 10 ойда аҳоли орасида шу ҳусусда 2 мингдан ортиқ маъруза ва суҳбатлар, 60 дан зиёд савол-жавоб кечалари ташкил этилди. Олий ўқув юртлири, академик лицей ва касб-хўнар коллежларида талабалар билан учрашувлар ўтказилди.

Оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишлари бўйича умумтаълим мактаблари ўқув дастурларига ОИВ инфекцияси борасида ўрашувлар ташкил этиш ва диктант ёздириш ишлари киритилди.

Хар бир тиббиёт ходими ОИВ инфекцияси борасида тиббий саводхонлигини ошириб бориши зарур. Бу уларада нафақат ўзини, балки бошқаларни ҳам химоя қилиш малакасини шакллантиради. Шунинг учун тиббиёт ходимлари малакасини ошириш курсларини ўтказиш жадваллари тасдиқланиб, ўқув дастурлари ташкил этилмоқда ва уларага сертификат бериш йўлга қўйилди. Ҳозиргача махсус ўқув курсларида 850 шифокор ва 1000 нафар ўрта тиббиёт ходими малака

оширди. Бундай тadbирлар узлуксиз давом эттирилади.

Касалликни юктирганлар аксарият ҳолларда уни сезмайдилар. Вирус организмнинг иммун тизимини ишдан чиқаргандан кейин, муайян касаллик, масалан, пневмония, сил, хар хил кандидозлар, ичак инфекциялари ва бошқа инфекциялар хуружини организм энголмай қолиб, бемор шифохонага мурожаат қилганида бу касалликка чалинган аён бўлади. Касаллиқнинг кейинги bosқичи, яъни ОИВ инфекциясининг ОИТС касаллигига айланишида юз берадиган ўзгаришлар асосан тана ҳароратининг кўтарилиши, сурункали терлаш, лимфа туғунларининг катталлашиши, иштаха йўқолиши, озиш, ҳолсизланиш, терида тошмалар пайдо бўлиши, ичнинг мунтазам бузилиши ва бошқа шунга ўхшаш клиник белгилар иммун тўсиғининг сусайганидан дарак беради. ОИВ инфекциясига чалинган одамнинг ҳам умрини чўзиш мумкин. Бунинг учун у доимий равишда шифокор назоратида бўлиши зарур.

ОИВ инфекциясига чалинган кишилар кўпинча жамоатдан, қўни-қўшнилар, оиласи, яқинларидан ажралиб қолади, умидсизлик ва тушунлик гирдобига тушади. Аммо, унутмаслик керакки, ОИВ инфекциясига чалинган беморнинг ҳаёти шу билан тугамайди. Касалликка қарши курашиш имконияти мавжудлигини ёддан чиқармаслик лозим. Шунинг учун биз иложи борича уларнинг кўнглини кўтаришга, психологлар кўмағида тушунликдан халос этишга ҳаракат қиламиз. Аслида жамоатчиликка бу касаллик ҳам бошқа хасталиклар каби эканини тушунтириш керак, деб ўйлайман. ОИВ инфекциясига чалинган одамнинг ҳуқуқи соғлом одамнинг ҳуқуқи билан бир хил. У ҳам хоҳлаган тиббиёт муассасасига мурожаат қилиши ва ўзига керакли тиббий ёрдамни ҳеч қандай чекловларсиз олиши мумкин.

ОИТС оилага ёки шахсга қўйилган тамға эмас. Чунки бугунги кунда ҳеч ким бу касалликни юктириб фойдаланидан юз фойиз кафолатланмаган. Ҳоҳлаймизми-йўқми, тиббий муассасаларга мурожаат қиламиз, маийш хизмат кўрсатиш муассасаларидан фойдаланамиз, ў ёки бу хатти-харакатимизда баъзан эркинликни ўзимизга раво кўраемиз.

Демак, бу дард мени четлаб ўтади, деган фикрдан йироқ бўлишимиз керак. Албатта, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, доимо сергак бўлиш лозим. Зеро, саломатлиқнинг биринчи талаби ҳам шу.

Акромжон САТТОВОВ.

Эътироф

«МЕХНАТИНГИЗГА ОЛҚИШ - УМРИМ»

Жамиятда шундай касб эгалари борки, улар қадрини қачонки меҳнатига муҳтож бўлганимиздагина англашга урунамиз. Бошқа вақтларда эса уларни ўз вазифасини адо этаятган оддийгина шифокор сифатида қабул қиламиз. Одатда бирор қалтис ҳаракатимиз натижасида енгил суяк синиши жароҳатини олсак, дарҳол травматологга мурожаат қиламиз ва дардимизга малҳам топамиз.



Аммо рўй берган йўл транспорт ҳодисаси оқибатида жиддий тан жароҳати олган Гулчехра Эргашева хусусида бундай деб бўлмас эди... Негаки, ушбу беморга биргина травматологнинг ёрдами камлик қиларди.

Республика шошиличч тиббий ёрдам илмий марказига келтирилган беморга қўшма жароҳатлар, яъни олди-орқа ковергаларнинг икки томонлама синиши, ўпка ёрилиши, қорак соҳасининг эзилиши, тос

ва чаноқ суяқларининг тарқалган синиши ҳамда қорин бўш-лигида ўлик жароҳатлар мавжудлиги ташхиси қуйилди. Шунга кўра, оғир ҳолатдаги бемор зудлик билан марказнинг катталар хирургик-реанимацияси бўлимига қабул қилинди ва мазкур бўлимнинг тажрибали мутахассиси, анестезиолог-реаниматолог Обиджон Арзикулов ҳамда травматолог бўлими шифокори Иззат Маҳкамов томонидан малакали шошиличч тиббий ёрдам кўрсатилди. Бошқача айт-

ганда, бемор Гулчехра Эргашевага қайтадан ҳаёт ато этилди, дейиш мумкин.

Обиджон АРЗИКУЛОВ,
катталар хирургия
бўлими шифокори,
анестезиолог-
реаниматолог:

— Очигини айтсам, бемор марказимизга олиб келинганда унинг аҳоли ҳақиқатан ҳам жуда оғир ҳолатда эди. Бундай вазиятда арзимас, кингина хато ҳам барчасига нуқта қўйиши мумкин. Шуларни ҳис қилган ҳолда, устозларим — бўлим мудири Комил Боқиев ва анестезиология-реанимация бўлими бош илмий ходими Рисолат Шариповалар билан маслаҳатлашиб зарурий чора-тадбирларни амалга оширдик. Яъни, имконият доирасида кўлимиздан келган барча шошиличч ёрдамни кўрсатишга ҳаракат қилдик. Йўқ, меҳнатларимиз зое кетмади, беморнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлдик. Айни пайтда ётоқ ҳолатида бўлса-да, аҳоли анча яхши.

Албатта, мазкур изоҳлар мутахассиснинг камтарлиги. Бемор саломатлигини тиклаш мақсадидаги касбий маҳоратини эса ўз вазифаси, шифокорлик бурчи деб ҳисоблади. Аслида ушбу жароҳатнинг гувоҳи бўлган ва унинг ҳар бир дақиқасидан ҳаяжонланган инсонлар ҳам бор. Улар булгун соҳа тушунчаси билан айтганда, гўли енгил, тажрибали, ўз касбининг фидойи жонкуярларидан беҳад миннатдор.

— Яқинда гувоҳи бўлганим бир воқеа сабаб, шу вақтга қадар ушбу касб эгалари ҳақидаги тасаввуримдан, тўғриси, хижолат бўлдим, — дейди **Ёқубжон Ражабов**. — Ростки, бемор Гулчехра Эргашевани муассасага олиб келганимизда аҳоли оғир ҳолатда эди ва биз унинг саломатлиги тикланиб кетиши учун муъжиза рўй бериши керак, деб ҳисоблардик. Биласизми, ўша муъжиза кўз ўнгимизда содир бўлди. Муассасада яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, Обиджон Арзикулов, Иззат Маҳкамов ва улар бошчилигидаги операцион жамоа аъзоларининг беминнат, фидокорона хизматлари яратди, бу муъжизани. Амин бўлдимки, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини, хусусан, шошиличч тиббий ёрдамни ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада яхшилаш мақсадида Президентимиз эътибори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан олиб борилаётган ислохотлар натижаси Республика шошиличч ёрдам илмий маркази фаолиятида ҳам аққол намоён бўлаётган экан. Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга беминнат ҳисса қўшаётган марказнинг бош директори Абдуҳаким Ҳаджибаев ва унинг жамоасига миннатдорлик билдираман.

Таъкидлаш керакки, мақолада эътиборингизга ҳавола қилинган маълумотлар мазкур муассаса ходимлари, жумладан, катталар хирургия-реанимацияси бўлими ва мутахассис Обиджон Арзикуловнинг кундалик иш фаолиятининг ўндан бир қисми бўлса ажаб эмас. Дарвоқе, воқеа тафсилотлари билан танишиш мақсадида марказга ташриф буюрганимизда яна бир инсоннинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида олиб борилаётган айни шундай ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Беморга жамоавий тарзда шошиличч тиббий ёрдам кўрсатилаётган эди... Вақтимиз қанчалик тизим бўлмасин, Ёқубжон Ражабов айтиб ўтганидек, «муъжиза» кутаётган беморнинг яқинлари аҳолини тушуниб, қолаверса, яна бир оилага қувонч улашиш истагида ҳар бир дақиқани ганимат билиб, ўзини шифокорлик бурчини сидқидилдан адо этаятган мутахассиснинг ортиқча вақтини олишни ножиоз билдик ва кутдик...

Ҳа, бу касб эгаларининг пешонасидан оқаётган реза-реза терлар касб ҳалоллиги, фидойилик рамзи, халқимиз розилигидир. Бундай фидойилик қўлида шифо топган беморлар умри эса улар меҳнатига энг муносиб олқиш, десак заррача ҳам муболага бўлмас керак.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ.

Патронаж

«МАҚСАД, ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИГА ЭРИШИШ»

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғи асосида мамлакатимизда аҳолини тўлиқ патронаж тизими билан қамраб олиш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг 27 ноябрдан 1 декабрига қадар аҳолини патронаж хизмати билан тўлиқ қамраб олиш, унинг сифатини янада яхшилаш борасида соғлиқни сақлаш муассасаларида тизимли тадбирлар ишлаб чиқилиб, патронажнинг дастлабки босқичи, яъни ялли тиббий хатлов амалга оширилди. Шу кунларда эса иккинчи босқич, яъни мақсадли патронаж ишлари олиб боришмоқда.

Кунни кеча Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 51-сонли оилавий поликлиникада ушбу мавзуга доир йилги бўлиб ўтди. Унда мутахассислар томонидан ҳудуддаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи фуқаролар, муассаса ходимларига патронаж хизматини кўрсатишининг босқичлари, мuddат ва қўзланган натижалар ҳамда истиқболдаги ре-

жалар таништирилди.

Гўзал ҚОДИРОВА,
51-сонли оилавий поли-
кника бош шифокори:

— Жорий йилнинг 27 ноябрь кунидан бошлаб 1 декабрга қадар поликлиникамиз ҳудудда яшовчи аҳоли контингентини тўлиқ патронаж билан қамраб, яъни хатловдан ўтказишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўтган вақт мобайнида ҳудудимиздаги 10 та, жумладан, Файратий, Анорзор, Шахристон, Хуснобод, Биллур-Адолат, Уста Ширин, Оқибат, Янги Ариқ, Жомий номи маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли орасида ялли тиббий хатлов амалга оширилди. Хатлов билан қамраб олинган аҳоли сони жами 35 минг 280 нафарни ташкил қилди. Улардан соғломлар — 23 минг 948, мақсадли патронаж контингенти — 11 минг 303, мураккаб, оғир ва ноаниқ беморлар эса 29

нафар эканлиги аниқланди. Мақсадли патронажда тиббий ижтимоий муаммолар аниқланиб, туман ҳудуддаги шифокор, диспансер мутахассислари билан биргаликда касалликлар доволанади. Шунингдек, селектив патронажда Республика миқёсидаги ихтисослаштирилган марказлар, муассасалар мутахассислари иштирокида мураккаб, оғир ва ноаниқ касаллиги мавжуд эътиборманд оилалардаги беморларга аниқ ташхис қўйилиб, доволаш усуллари белгиланади. Айтиш керакки, ялли хатловга жами 86 нафар тиббий ходим жалб этилди. Шундан умумий амалиёт шифокори 16, умумий амалиёт ҳамширалари 34, тор соҳа мутахассислари 15, хона ҳамаширалари 21 нафарни ташкил қилди. Бундан ташқари, 7-сонли шаҳар клиник шифокорасидан 10 нафар ҳамшира ҳам поликлиникамизга бириктирилиб, ушбу жараёнда фаол қатнашди. Натижалар эса электрон базага киритилди. Мақсад, ҳеч ким эътибордан четда қолмасин.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Хатлов билан қамраб олинган сони жами 35 минг 280 нафарни ташкил қилди. Улардан соғломлар — 23 минг 948, мақсадли патронаж контингенти 11 минг 303, мураккаб, оғир ва ноаниқ беморлар эса 29 нафар эканлиги аниқланди.

Йилги хатловда таъкидланганидек, поликлиникада аҳолини ялли хатлов, мақсадли патронаж ва селектив тиббий кўриklar ўтказиш учун штаб тузилди. Ишчи гуруҳ учга бўлиниб, аниқ фаолиятларни олиб боришмоқда.

— Менга 1 минг 680 нафар аҳоли истиқомат қилувчи «Файратий» маҳалласи бириктирилган бўлиб, уларга тиббий хизмат кўрсатиб келаман — дейди умумий амалиёт ҳамшираси **Юлдуз Абдуллаева**. — Аҳоли, айниқса, кек-

са, ногиронлиги бўлган шахслар, 1 ёшга бўлган болалар, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини мунтазам хабардор бўлиб турамин. Ялли хатлов натижасида маҳаллада янги кўчиб келган ёки кетган аҳоли, ёш оилалар, 1 ёшга-ча бўлган болалар ҳақида аниқ маълумотлар йиғдик. 1 минг 676 нафар аҳолини, ялли хатловдан ўтказиб, касалликлар профилактикасига ҳам доир тарбиёт ишларини олиб бордим.

Шунингдек, тадбирда аҳоли маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларнинг олдини олдини олишга доир тушунтириш берилиб, тарқатма материаллари тақдим этилди.

Жонибек МАЪРУПОВ.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 2237 нусха.
Буюртма Г-1237.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Ҳарфсет усулида босилган.

Саҳифаловчи **Бахтиёр ҚУШОҚОВ**.

Босмаҳонага топшириш вақти — 20.00.